

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Қодирова Феруза Мамуровна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат Хавфсизлиги университети

Хорижий тилларни ўрганиш кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198341>

Бугунги кун воқелиги шуни кўрсатмоқдаки, диний экстремизм мафкурасидан фойдаланаётган бузғунчи кучлар Ўзбекистон Республикаси халқининг тарқоқлигига, унинг асл тарихий ва маънавий-ахлоқий қадриятларини қадрсизланишига, инсон ва жамиятнинг мафкуравий йўналишини йўқотишга бор куч-маблағларини сарфламоқда. Шу билан бирга, бу интилишларнинг бош объекти сифатида юрт келажаги қўлида бўлган ёш авлодга қаратилганлиги ташвишланарли ҳол. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Шу билан бирга, глобаллашув ва ахборот хуружлари, турли бузғунчи ғоялар таъсирида миллий ўзлик ва маънавий қадриятларимизга қарши таҳдид ва хатарлар тобора кучаймоқда. Худбинлик, яъни фақат ўзини ўйлаш, ҳаётга, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти сингари иллатлар турли йўللار билан аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдирилмоқда”

Сўнгги ўн йилликларда олий ҳарбий таълим муассасалари бўлажак офицерларини тарбиялаш, уларнинг ҳарбий хизматга маънавий-руҳий тайёргарлигини шакллантириш ва уни давом эттириш зарурияти билан боғлиқ кескин муаммоларга дуч келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси ҳарбий хизматчиларнинг тарбиясини давлатнинг ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асоси сифатида тан олади. Фикримизча, олий ҳарбий таълим муассасаларини миллий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш вазифаси олдимизда турган асосий йўналишлардан бўлиб ҳисобланади.

Айнан шу йўналиш бўлажак офицер шахсининг ўзини англашига таъсир қилиши, унга ватанпарварлик ва байналмилаллик, ҳарбий бурч ва ғурур каби офицерлар учун анъанавий бўлган энг яхши маънавий-ахлоқий туйғулар ва фазилатларни сингдириши ва ривожлантириши мумкин.

Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга,

замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни. Бошқачароқ талқин этилганда, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.

Педагогика учун маънавият ва ахлоқ ўртасидаги муносабат айниқса долзарб бўлиб, у маънавий-ахлоқий тарбия атамасида ўз ифодасини топган бўлиб, маънавият ва ахлоқни бир бутун ва бир қисм сифатида белгилайди.

“Маънавият” ва “ахлоқ” тушунчалари шахснинг маънавий-ахлоқий тарбияси мазмунини белгилашда асосий ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимизда улар бир-биридан алоҳида эмас, балки шахснинг маънавий-ахлоқий тарбияси сифатида ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Тарбия маънавий шахсни шакллантириш жараёни, ахлоқ эса инсоннинг хулқ-атворини ичкаридан белгилаб берувчи руҳий ҳолат сифатида таърифланади.

“Маънавий-ахлоқий тарбия” тушунчасининг ҳам “тарбия” ва “маънавият” тушунчалари каби турлича тақинлари мавжуд. Хусусан, луғатларда маънавий-ахлоқий тарбия жамиятда ахлоқни қайта яратиш, тадқиқ қилиш шаклларидан бири сифатида таърифланган.

Ш.Ш.Олимов ўзининг “Маънавий-ахлоқий тарбия асослари” номли монографиясида ақл-заковат, хулқ-одоб, иймон-эътиқод, шарм-ҳаё, орномус, ватанпарварликни маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим таркибий қисмлари сифатида санаб ўтган. Маълумки, қадриятларни тарбиялаб бўлмайди, уларга нисбатан муносабатни шакллантириш мумкин.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини шакллантириш шахсий фазилатларнинг ўзига хос ташқи кўрсаткичларига эга бўлиб, улар орқали у ўзини бошқалар учун маънавий ва ахлоқий шахс сифатида намоён қилади.

Маънавий-ахлоқий шахс сифати – бу шахснинг қадриятларга барқарор иерархик муносабатларнинг натижасидир.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар кўлампидан фойдаланган ҳолда, курсант, ўз атрофидаги дунёни тузади, ҳодиса объектларини уларнинг қиймати, яъни фойдалилиги мезонига кўра очиб беради.

Ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳарбий олий ўқув юртлари бўлажак офицерларининг асосий қадриятлари сифатида – оила, дўстлар ва моддий бойлик чиқмоқда. Бешинчи ўринда – хизмат

карьераси. Умуминсоний қадриятлар, яъни ҳаёт, соғлиқ, моддий фаровонлик кабилар ҳарбий олий ўқув юртлари бўлажак офицерларининг асосий қадриятлари ҳисобланади.

Ҳарбий олий ўқув юртлари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш йўллариини белгилаб, курсантларда шахсининг ахлоқий сифатида интизомни шакллантириш жараёни устувор йўналишлардан бири сифатида қаралиши лозим. Муаммони таҳлил қилар эканмиз, ҳарбий олий ўқув юрти курсантларида интизомни шакллантириш жараёнига бир қатор замонавий илмий-педагогик ёндашувларни аниқлаш имконини беради.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими изчил ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи барча фуқароларни, шу жумладан, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

References:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. Б.268.
2. Салиева З. Талабаларда маънавий маданиятни шакллантириш технологияси // Т.: “Fan va texnologiya”, 2016. 18-б.
3. Вульфов Б. З., Иванов В. Д. Основы педагогики. М., 1999. 616 с.
4. Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Большая российская энциклопедия, 2003 – С.171.
5. Олимов Ш.Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари (монография). – Т.: “Fan va texnologiya”, 2015. Б. 30-34, 39-40.